

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**Д.Усмонов**

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун  
силжишли масала ..... 6  
КИМЁ

**И.Асқаров, Ш.Қирғизов**

Ўрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари..... 11

**Б.Маҳкамов, Д.Гафурова**

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибида синтез, ион  
алмашинувининг хусусиятлари..... 16

**Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев**

*Allochrysa gypsophiloides* таркибидаги иккита асосий сапонинни  
УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш..... 21

**М.Ахмадалиев, И.Асқаров**

Кротон альдегиди куб қолдигининг таркибини аниқлаш ва унинг  
асосида полимеркомпозиция олиш..... 25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

**А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева**

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари  
Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида..... 29

**А.Ғафуров, О.Ғафуров**

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик  
фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш..... 33

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Б.Холматова**

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни  
шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари..... 38

**Ж.Дадабоева**

Оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари..... 42

**И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев**

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари..... 47

**А.Ғаниев**

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти..... 53  
ТАРИХ

**О.Бегматов**

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг  
тарихий босқичлари..... 57

**Ф.Бобоев**

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг  
ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар)..... 65

**А.Маҳмудов**

Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янги усул  
мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти..... 71

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Д.Қуронов**

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи илк ва қайта нашрларидаги  
бир тафовут ҳақида..... 75

УДК: 821.512.133

ЧЎЛПОННИНГ “КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИ ИЛК ВА ҚАЙТА  
НАШРЛАРИДАГИ БИР ТАФОВУТ ҲАҚИДА

ОБ ОДНОМ РАЗЛИЧИИ МЕЖДУ ПЕРВЫМ И ПОСЛЕДУЮЩИМИ ИЗДАНИЯМИ  
РОМАНА ЧУЛПАНА “НОЧЬ И ДЕНЬ”

ON THE DIFFERENCE BETWEEN THE FIRST AND SUBSEQUENT EDITIONS OF THE  
CHULPAN'S NOVEL "NIGHT AND DAY"

Д.Қуронов<sup>1</sup><sup>1</sup>Д.Қуронов

— АнДУ, филология фанлари доктори, профессор.

**Аннотация**

Мақолада “Кеча ва кундуз” романининг 1936 йилдаги илк нашри билан қайта нашрлари матнида кузатилувчи тафовутлар ҳақида сўз юритилади. Мавжуд тафовутлар муаллиф ижодий иродасига дахл қилиш деб баҳолашиб, бу қараш қиёсий таҳлил асосида далилланади.

**Аннотация**

В статье речь идет о различиях в тексте первого, 1936 года издания и последующих изданий романа “Ночь и день”. Существующие различия оцениваются как игнорирование творческой воли автора, что обосновано методом сопоставительного анализа.

**Annotation**

The article deals with the differences in the text of the first and subsequent editions of the novel “Night and Day”. The existing differences are assessed as ignoring the creative will of the author, which is justified on the basis of a comparative analysis.

**Таянч сўз ва иборалар:** нашр, илк нашр, асос манба, асосий матн, ёндош матн, сарлавҳа, эпиграф.

**Ключевые слова и выражения:** издание, первое издание, базовый источник, основной текст, побочный текст, заглавие, эпиграф.

**Keywords and expressions:** edition, first edition, basic source, main text, side text, title, epigraph.

Матнинг график шакллантирилиши асарнинг қабул қилинишига бевосита ва жиддий таъсир этувчи омиллардан саналади. Модомики адабий-бадий асар қоғоздаги матн сифатида ўқилар экан, унинг дастлаб қабул қилинадиган томони айнан график шакллантирилиши бўлади. Ўқувчи матнинг ёзувдаги кўринишига қараб, масалан, қаршида шеър, насрий ёки драматик асар турганини англаб олади, табиийки, асарни қабул қилишга руҳан созланиши айти шундан бошланади. Бугина эмас, масалан, мумтоз шеърятимиздаги мустагод, мусаллас, мусаддас ва ш.к. жанрлар энг аввал ёзувдаги шаклдан таниб олинади. Ёки шеърнинг ёзувда бандларга ажратиб берилгани унинг ритмик-интонацион ва тематик композициясидан дарак беради, шунга мос тарзда ўқишни тақозо этади. Мисраларнинг синдирилиши, мисрадаги алоҳида сўзнинг бош ҳарфлар билан ёки бўлиб-бўлиб ёзилиши кабиларга ҳозирда график шакллантириш билан боғлиқ усуллар сифатида қаралади. Аксар ҳолларда асарнинг “график шакллантирилиши” ёки

“ташқи матний қурилиши” тушунчалари ўз ичига сарлавҳа, эпиграф, бағишлов, изоҳ сингари адабиётшунослиқда “ёндош матн” ёки “рамка унсурлари” деб юритилувчи матн компонентларини ҳам қамраб олиши эътиборга олинса, улар алоҳида диққатга молик ва махсус ўрганилиши зарур поэтик ҳодисалар эканлиги англашилади.

Айтилганлардан келиб чиқилса, ХХ аср бошларида ижод қилган адиб ва шоирларимизнинг асарларини қайта нашр қилишда бу жиҳатларга жиддий эътибор қилиш лозимлиги англашилади. Афсуски, қайта нашрларда бу жиҳат аксар етарли эътиборга олинмай қолади ва илк нашр матни (бу эса қўлёзма сақланмагани сабабли аксар ҳолларда асос матн ҳисобланади) билан қайта нашр орасида тафовут юзага келади. Тўғри, сиртдан қараганда бундай тафовут арзимасдек кўриниши ҳам мумкин. Лекин диққат қилинса, бу билан муаллиф ижодий иродасига дахл қилинган, илк нашрда у ёки бу график восита ё ёндош матн (рамка) унсури бажарган бадий функция қайта нашрда

йўқотилганини кўриш қийин эмас. Чўлпон шеърларининг қайта нашрлари мисолида бу ҳақда оз бўлса-да фикр билдирилган [1.320-323], насрий асарларининг қайта нашрларига эса бу жиҳатдан ҳали эътибор қаратилган эмас.

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи 1988 йилда “Шарқ юлдузи” да илк бор қайта нашр этилгани маълум. Журналнинг шу йилги иккинчи сонидан устоз О.Шарафиддиновнинг сўзбошиси ортидан асар сарлавҳаси куйидаги шаклда берилган:

#### КЕЧА ВА КУНДУЗ

Роман Биринчи китоб Кеча

Асар сарлавҳасининг, яна ҳам тўғрироғи, сарлавҳа блокнинг бу тарзда шакллантирилгани ўқувчига тақдим этилаётган асарнинг 1) “Кеча ва кундуз” номли роман экани, 2) унинг иккита китобдан таркиб топиши, яъни роман-диалогия эканлиги, 3) ҳозир тақдим этилаётгани эса шу асарнинг “Кеча” номли биринчи китоби (романи) эканлиги ҳақида хабар беради. Ҳеч шубҳасиз, бу, ўқувчининг ўзи ўқишга чоғланаётган асарни қабул қилишига йўналтирувчи муҳим информация, чунки ўқувчида шунга (яъни роман-диалогиянинг биринчи китобини қабул қилишга) мос эстетик кутув ҳосил қилади. Сарлавҳа блокни беришнинг журналдаги мазкур тартиби Чўлпоннинг 1994 йилда чоп қилинган 3 жилдли ва 2016 йилда чоп этилган 4 жилдли асарлар тўпламларининг 2-жилдларида ҳам сақланган. 1991 йилда чоп қилинган “Яна олдим созимни” тўпламида тартиб биров ўзгарган: алоҳида саҳифада йирик ҳарфлар билан “Кеча ва кундуз” ва остида кичикроқ ҳарфлар билан “Роман” ёзилган: асосий матн бошланган 21-саҳифанинг устки қисмида катта ҳарфлар билан “Кеча” деб ёзилган-да, остига кичик ҳарфлар билан “Биринчи китоб”, деб қўйилган. Тан олиш керакки, бу ерда тартиб ўзгариши билан чалкашлик юзага келади дейишга асос бор, чунки бу ҳолда ўқувчига тақдим этилаётган матн “Кеча ва кундуз”нинг эмас, “Кеча”нинг биринчи китоби деган маъно етказилмоқда. Демак, сиртдан қараганда аҳамиятсиздек кўринган бу тафовут ҳақиқатда нашрнинг жиддий хатоси, деб баҳоланиши мумкин.

Хуллас, “Кеча ва кундуз”нинг кейинги нашрларида сарлавҳа блокни юқоридагича тартибда шакллантириш “Шарқ юлдузи”

журналидаги нашрдан бошлаб анъанага кирган. Ҳолбуки, 1936 йилдаги илк нашрида сарлавҳа блоки бундан бирмунча фарқланади. Нашрнинг 1-саҳифасидаги титул варағида:

#### КЕЧА ВА КУНДУЗ

Роман деб қайд этилган; битта саҳифа ўтказиб, 3-саҳифада эса катта ҳарфлар билан:

#### БИРИНЧИ ҚИСМ

деб ёзилган-да, сал пастрокда Горькийдан олинган эпиграф келтирилган.

Кўриб турганимиздек, 1936 йил нашрида, журналдаги нашрдан фарқли ўлароқ, “биринчи қисм” дейилган, қайта нашрлардаги каби “биринчи китоб” эмас; шунингдек, илк нашрда қисм алоҳида “Кеча” деб номланган эмас. Маълум бўляптики, илк нашрдаги сарлавҳа блоки билан қайта нашрлардагиси жиддий фарқланади. Аввало шуки, илк нашрда “биринчи қисм” дейилгани ва унинг “Кеча” деб алоҳида номланмагани тақдим этилган матн бутуннинг бир бўлаги эканлигини қатъий таъкидлайди. Қайта нашрлардаги “биринчи китоб” дегани ҳам мантиқан “иккинчи китоб”ни назарда тутаяди, бироқ айни чоқда бу бирикма тақдим этилган матннинг нисбий мустақиллигини ҳам англатади. Шу билан бирга, “биринчи китоб” дейилгани уни алоҳида номлашни (яъни “қисм” алоҳида номга даъво қилмайди, “китоб”да бундай даъво йўқ эмас) ҳам тақозо этадики, натижада у “Кеча” деган ном олади. Ҳолбуки, илк нашрда бундай номланиш йўқ, яъни Чўлпон ўзи романнинг биринчи қисмини номлаган эмас. Хўш, у ҳолда бундай номланиш қайдан келиб чиқмоқда? Нашрдаги мазкур тафовутга жиддий қараш керакми ё жузъий ўзгартириш, деб ўтилаверса бўладими? Ахир, агар ёндош матн ҳам муаллифга тегишли деб қаралар экан, бу тарз ўзгартириш авторлик матнига дахл қилиш бўлиб қолмайдими?

Аввало, “Кеча ва кундуз” романи иккинчи қисмининг тақдири ҳануз қоронғилигича қолаётган ва бу борада турлича қарашлар мавжуд [2.270-275] экан, бу тафовутни жузъий санаб бўлмайди. Қайта нашрларда сарлавҳа блокни адиб ўзи кўрган ва маъқуллаган илк нашрдаги билан бир хил қилиб шакллантириш тўғри бўлади.

Чўлпон романидан дастлабки парчалар 1935 йилда “Совет адабиёти” ва “Гулистон” журналларида, иккаласида ҳам “Кеча ва

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

кундуз” номли романдан парча дея қайд этилган ҳолда эълон қилинган [3]. “Совет адабиёти” романнинг илк бобини “Кўклам нашъаси” номи билан эълон қиларкан, сарлавҳа остида “Адабий асарлар конкурси материалларидан” деган изоҳ берганки, бу ерда гап 1934 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан эълон қилинган<sup>1\*</sup> энг яхши адабий асарлар танлови ҳақида бораётир. Конкурс натижалари эълон қилинган хабарда Чўлпон романи учинчи мукофотга лойиқ топилиб, нашрга тавсия этилган асарлар сирасида “Кечалар” номи билан қайд этилган. Агар конкурсга асарнинг биринчи қисми тақдим этилгани эътиборга олинса, бу ерда унинг “Кечалар” номи билан берилиши бежиз эмас кўринади. Зеро, яхши маълум, конкурсга тугалланган асарлар тақдим этилади, эҳтимол, дилогия табиатига кўра ҳар бир қисм нисбий тугалланган бўлишидан келиб чиқиб, Чўлпон биринчи қисмини алоҳида номлаб тақдим этгандир?! Кейинроқ, 1935 йил август ойида, конкурс нашрга тавсия этган “Кеча ва кундуз”нинг Ўзбекистон Ёзувчилар союзидаги муҳокамасида ёзувчи Ойдин Собирова нутқ сўзлаган. Шу нутқнинг 1935 йил 26 август санаси қайд этилган кўлёмаси “Чўлпоннинг “Кеча, кундуз” деган романининг “Кеча” қисмини ўқиб чиқдим. “Кундуз” қисми ҳали ёзилган эмас”, деб бошланган. Кўриняптики, Ойдин Собирова ҳам роман икки қисмдан иборат, биринчи қисми “Кеча”, иккинчиси “Кундуз” деб номланишини комил ишонч билан айтиб турибди. Фикримизча, бу ҳам муҳокамага тақдим қилинган муаллиф кўлёмасида биринчи қисм шундай номланган бўлиши мумкин, деган тахминимизни қувватлайди.

\* Аслида конкурс 1934 йил октябрь ойи охирида якунланиши керак бўлган, ташкилий жиҳати бўшроқ бўлгани сабаб бўлса керак, унинг муддати бир неча бор узайтирилиб, кейинги йилга ҳам ўтиб кетган ва бир йўла Иттифоқ Ёзувчилар Союзининг 1–съезидига ҳам бағишлаб юборилган. Конкурс якунлари расман “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1935 йил 12 октябрь сонидан эълон қилинади. Манбаларда конкурснинг санаси ҳам, нима муносабат билан ўтказилгани ҳам турлича кўрсатилиши шу билан изоҳланади Бу масалани махсус ўрганиш фойдадан холи бўлмайдик, шояд тадқиқотчиларимиз шунга кунт қилсалар.

Роман ҳақида муаллифи ҳаётлик пайтида чоп қилинган ягона тақризда “Чўлпон ўзбек миллатчиларининг балоғатга етган, мақталган санъаткори” экани ва “ҳозир ҳам шу ифлос ботқоқлик ичида қолгани” таъкидлангач, “Созим”, “Жўр” (босилмаган) деган шеър тўпламлари билан “Кеча ва кундуз” романи бунга мисол бўла олади” [4] дейилади. Даромадида шу гап айтилгач, роман таҳлили мана бу гап билан бошланган: “Кеча ва кундуз” романининг биринчи бўлими (“Кеча” қисми) 1936 йилда босилиб чиқди”. Шундан сўнг тақриз матнида муаллифлар китоб ҳолида чоп этилган биринчи қисмини “Кеча” деб юритганлар, бутун асар ҳақида эса “Кеча ва кундуз” дейилган. Яъни улар “Кеча ва кундуз” романининг “Кеча” номли биринчи қисмига тақриз ёзаётганларини икки-уч қайта таъкидлайдилар.

Устоз Н.Каримов берган маълумотга кўра, С.Хусайн терговда: “Унинг (Чўлпоннинг–Д.Қ.) тушунтиришига кўра, “Кеча” романнинг фақат биринчи қисминигина ташкил этади, асарнинг иккинчи қисми эса “Кундуз” деб аталажак. Чўлпон бу сўзларни айтар экан, уни яна ўтмиш тўғрисида ёзаяпти, деб айбламасликлари учун романи шундай иккига бўлишга мажбур бўлганлигини сўзлади” [5.77],- деб кўрсатма берган.

Мазкур ҳолатлар Чўлпон романини 1) икки қисмдан ташкил топадиган қилиб режалаштиргани, 2) уни “Кеча ва кундуз” деб номлагани, 3) сарлавҳада кўриниб турган тазодни композицияга ҳам кўчиришни – биринчи ва иккинчи қисмларни ўзаро қаршилантириш ва мос тарзда “Кеча” ва “Кундуз” деб номлаш нияти бўлганини кўрсатади. Уларга таяниб, конкурсда нашрга тавсия этилганидан кейин чоп бўлганича ўтган икки йил ичида Чўлпон романи “Кеча ва кундуз” номи билан тилга тушиб бўлгани, адабий давраларда асар икки қисмдан иборат – бири “Кеча”, иккинчиси “Кундуз” деб номланиши-ю биринчисида инқилобгача, иккинчисида инқилобдан кейинги давр қаламга олинishi маълум-у машҳур бўлган, дейиш мумкин. Кейинча, роман тақиққа учраганидан сўнг ҳам адабий давраларда “Кеча ва кундуз” романи ҳақида худди шу қараш сақланиб қолган ва шунинг таъсирида қайта нашрларда сарлавҳа юқоридагича кўриниш олган бўлиши эҳтимол. Албатта, бу

ўринда яна бир эҳтимолни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди: илк нашрда “Кеча” деган кичик сарлавҳанинг тушиб қолиши муаллиф ихтиёридан ташқарида, шунчаки матбаа хатоси сабаб тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Зеро, бирда-иккида китоб чиқариб кўрганки, одам шундай ҳам бўлиши мумкинлигига эътироз қилмаса ҳам керак.

Кўриб турганимиздек, “Кеча ва кундуз” романи нашрларида биринчи қисми “Кеча” дея алоҳида номлаб чоп қилишни оқловчи сабаблар, бунга изн берадигандек кўринувчи ҳолатлар оз эмас. Бироқ, модомики романнинг қайта нашрлари асосланиши учун 1936 йил нашридан бошқа манба йўқ экан, унга таянч манба сифатида қараш ва унда берилган шаклни аслича сақлаш шартдир. Негаки, Чўлпон бу нашрни амалга оширишда иштирок этган, китобни қўлида тутиб кўрган – китобнинг матбаа сифати ё нашр томонларига бирон бир эътироз билдиргани маълум эмас. Бас, уни ўзгартиришга асос йўқ, ўзгартириш эса муаллиф иродасига дахл қилиш бўлади.

“Кеча ва кундуз” романининг қайта нашрларида энг кўп зарар кўрган матн унсури сифатида эпиграф кўрсатилиши керак. 1936 йил нашрида улўғ рус адиби Максим Горькийнинг: “Маърифат (билим) чоғиштириб кўриш билан ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан чоғиштиролмайдилар; улар кечмишни билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очик англаёлмайдилар”, деган сўзлари эпиграф қилиб олинган [6]. Бу эпиграф романнинг “Шарқ юлдузи”даги илк қайта нашрда [7.64] ҳам бор, бироқ шундан кейинги нашрларда у тушириб қолдирилган. Жумладан, 1991 йилда чоп қилинган “Яна олдим созимни” тўпламида ҳам, Чўлпон “Асарлар”и 3 жилдлигининг 1994 йилда чоп этилган 2-жилдида ҳам, хуллас, кейинги нашрларнинг ҳаммасида. Нега?

Авалло, камина 3 жилдликнинг 2-жилдини нашрга тайёрлаганим учун аниқ бидамани, нашриётга топширилган қўлёзмада эпиграф бор эди, унинг тушириб қолдирилганини китоб чоп этилгачгина билганмиз. Шундай экан, эпиграфнинг тушириб қолдирилиши учун масъуллик ё нашриётнинг, ё ўша вақтларда ҳали мавжуд назорат идораси (цензура ёки адабий доираларда “лит”)нинг зиммасида.

Фикримизча, йиллар давомида адабий асарларни шўро мафқураси нуқтаи назаридан сарак-пучакка ажратиб келган ва буни ўзининг бош вазифаси деб билган “лит” Горькийдан олинган эпиграфга эътироз қилмаса керак эди. Шунинг учун бу ҳолда ташаббус нашриётдан, аниқроғи, нашриёт муҳарриридан чиққани ҳақиқатга яқинроқ. Сабаби эса ушбу масалада муаллиф матнининг дахлсизлиги принципи эмас, давр руҳ-кайфиятининг устуворлик этиб қолгани. Истиқлол арафаси ва истиқлолнинг илк йиллари жамиятда аксилшўровий кайфият ниҳоятда кучли бўлгани сир эмас. Шунинг таъсирида шўро билан, унинг мафқураси билан боғлиқ неки бўлса инкор қилина бошлаган, хўл-у қуруқ баробар ёна бошлаган эди. Жумладан, шўро замонида “инқилоб бўронқуши” дея эъзозланган Максим Горький ҳам. Шу кайфият ҳукмрон бўлган бир шароитда нашриёт муҳаррири эпиграфни ўринсиз деб билган ёки ўз вақтида Чўлпон ҳам уни мажбурият орқасида келтирган бўлса керак, деб ўйлаган бўлса эҳтимол. Худди шундай ёндашув, бизнингча, эпиграфнинг “Яна олдим созимни” тўпламида тушириб қолдирилишига ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Кейинги нашрларда эса шу анъана давом эттирилди, аниқроғи, кейинги нашрлар шу икки нашрга таянди – эпиграф унутилди, худди ҳеч қачон бўлмаган каби.

Дарвоқе, “Кеча ва кундуз”ни инглиз тилига ўгирган Кристофер Форт худди шундай ўйлар экан. Инглиз тилидаги нашрнинг илк саҳифасида “Кеча ва кундуз. Биринчи китоб” дейилгандан сўнг ҳавола белгиси қўйилиб, саҳифа остида изоҳ берилади: “Романнинг 1988 йил вақтли матбуотдаги нашрида биринчи эпиграф сифатида Горькийнинг 1931 йилда ёзилган “Меҳнат учун” мақоласидан олинган мана бу цитата эпиграф қилиб олинган”. Шундан сўнг эпиграф матни келтирилади-да, ортидан яна таржимон изоҳи берилади: “Чўлпон ҳаётлик вақтида чоп қилинган матнда, худди 1988 йилдан кейинги нашр матнларидаги каби, бу эпиграф бўлмаган” [8]. Кўриб турганимиздек, К.Форт эпиграф “Шарқ юлдузи”даги нашрда пайдо бўлиб қолган, деб билади. Таржимоннинг бу фикрга келиб қолишига, бизнингча, 1936 йил нашрининг тўлиқ варианты билан танишмагани сабаб бўлиши мумкин. Худди, масалан, Андижондаги

Чўлпон ёдгорлик музейида сақланаётган нусха каби: унда романнинг асосий матни бошланган 5-саҳифагача бўлган иккита титул варағи йўқ. Ҳолбуки, мазкур титул варақларининг иккинчиси роман биринчи қисмининг сарлавҳаси бўлиб, эпиграф шу саҳифадан ўрин олган эди. Бошқа томони, 1988 йилда бу эпиграф “антисовет руҳда” деб баҳоланиб келган романнинг қайта нашр этилиши учун ҳимоя воситаси бўлгани ҳам бор гап, фақат у Кристофер Форт тасаввур қилганидек йўқдан бор бўлган эмас.

Чўлпон романига Горькийдан эпиграф олгани 1936 йилда ҳам, албатта, ўзига хос ҳимоя воситаси эди. Зеро, энг юқори расмий доираларда ҳам “улуғ пролетар адиби” дея эътироф этилувчи совет адабиётининг тимсоли бўлмиш ёзувчининг сўзлари қора рўйхат бошида турган “миллатчи адиб”ни бўлажак ҳужумлардан озми-кўпми ҳимоялаши мумкин эди. Бироқ, агар фақат шунинг учунгина Горькийдан эпиграф олганида, Чўлпоннинг чўлпонлиги қолмас эди. Шу боис ҳам адиб шундай кўчирмани танлагани, у ҳимоя қилишдан ташқари ўзининг асл муддаосини англантиб, нима демоқчи эканлигига, ғоявий-бадийий ниятига ишора қилиб ҳам туради [9,57]. Зеро, эпиграф матнига диққат қилинса, у орқали адиб “ёшлар ўз кўрганларини” (яъни ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеалар, мияларига сингдирилаётган қарашларни) чоғиштириб кўриб “маърифат (билим) ҳосил қилишлари” учун ўтмишни бадийий қайта яратаётганини, токи қиёс натижасида улар “ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очиқ англасин”, деб ният қилганини айтмоқчи бўлганини тушуниб олиш қийин эмас. Бошқача айтсак, эпиграф бу ўринда ҳам асосий ниятни пардалаш – “ниқобланиш” воситаси, ҳам хос ўқувчига ўша ниятга мос мазмунни етказиш воситасига айланади. Шу жиҳати билан эпиграф романдаги айни мақсадга хизмат қилувчи поэтик воситалар тизими унсурига айланади [2,114-127]. Демак, агарки эпиграф бажараётган функция бу тарз тушунилиши мумкин экан, унинг қайта нашрларда тушириб қолдирилаётгани номақбул ҳол, муаллиф ижодий иродасига қўпол равишда даҳл қилишдан бошқа нарса эмасдир.

Юқорида Кристофер Фортдан келтирилган кўчирмадаги “биринчи эпиграф” бирикмаси бежиз эмас: “Шарқ юлдузи”

нашрида аввал Горькийдан олинган сўзлар, остидан эса “Ҳамал келди – амал келди” мақоли эпиграф сифатида келтирилган, яъни иккита эпиграф берилган. Кейинроқ, “Яна олдим созимни” тўпламида иккинчи эпиграф яқка ҳолда қолдирилган. “Совет адабиёти” журнали романдан парча берганида ҳам шу мақол бир қарашда эпиграфдек кўринади. Сабаби, парча журналда “Кўклам нашъаси” номи билан эълон қилинган, шу билан бирга “Ҳамал келди – амал келди” мақоли ҳам матндан ажралиб турган ҳолатда йирикроқ ҳарфлар билан берилган. Натижада, гарчи ёзувда эпиграф ўлароқ шакллантирилмаган эса-да, у ҳам бир қарашда эпиграфга ўхшаб кетади. Ҳолбуки, романнинг 1936 йил нашрида бу мақол ҳеч қандай эпиграф эмас, балки асосий матндаги илк жумла сифатида келади. Кўряпмизки, “Ҳамал келди – амал келди” мақолини эпиграф сифатида бериш “Шарқ юлдузи” журналидаги нашрдан бошланган анъана бўлиб, муаллифга алоқаси йўқ экан. Демак, то ҳануз давом этаётган ушбу анъанага ҳам чек қўйиб, муаллиф матнини (қўлёзма бўлмагач, адиб кўрган илк нашр матнини шундай деб қабул қилиш мумкин) аслига мос кўринишга келтириш зарур экан.

Чўлпон ифодавийликни кучайтириш мақсадида ўз даври берган техник имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга интилангани алоҳида таъкидлаш керак. Роман эпизодларидан бирида нойиб тўра Мирёқуб Мавлоно Адоники экан, дея тортиқ этган қўлёзмани ўқиб, унинг бошқа одамга тегишли экани, маҳаллий муллалар бу нарсаларни яхши билмасликларини айтади. Албатта, адиб бир томони ҳақ бўлган нойиб тўранинг бу писандасини аламини ичига ютиб “эштади”, бироқ ҳар не аччиқ бўлса-да тан олишга мажбурлигини ҳам теран ҳис қилади. Хуллас, роман концепциясини ифодалаш учун ғоят муҳим эпизод. Бироқ ҳозир гап у ҳақда эмас, балки ўша ҳолатнинг қандай тақдим этилганида. 1936 йил нашрида Адоники дейилаётган қўлёзма аслича, яъни араб ёзувида битилган ва тагига муҳр босилган қўлёзма сурати кўринишида берилган. Шеърнинг ўзи форсийда бўлгани учун пастда кичик шрифт билан ўзбекча сўзма-сўз таржимаси берилган. Қайта нашрларда эса қўлёзма сурати йўқлиги учун нойиб тўра “Хўп, қани...

ўқиб кўрайлик” деганидан кейиноқ изоҳ сифатида берилган насрий баён келади: «Гулрангли кўз ёшлари ва сарғайган юзлар ажиб гўзал бўладилар, худди зар юргизилган ёқут каби гўзал бўладилар. Сен агар бодом сингари бошдан-оёқ кўздан иборат бўлсанг, ҳеч нарса кўролмайсан, аммо севги сурмаси ила очилган кўз равшан бўлади”. Ҳолбуки, 1936 йил нашрида нойиб тўранинг “Хўп, қани... ўқиб кўрайлик” деган гапидан сўнг кўлёманинг сурати берилган. Яъни ўқувчи аввал шу суратдан форсча шеърни ўқиши (у вақтда араб ёзувини ўқийдиганлар жуда кўп бўлган), сўнг эса изоҳдаги насрий баён билан танишиши мумкин бўлган. Эътибор қилинса, сўзма-сўз таржима асосий матнга тааллуқли эмас, яъни у нойиб тўра тилидан берилмаётганини билиш қийин эмас. Зеро, агар аксинча бўлганида, нойиб тўра кўлёмани кўлига олибоқ синхрон таржима қилаётган бўлиб чиқар ва бу ҳолда сал ўтиб Мирёқубнинг “Байтнинг маъноси нима, тўра?” деб сўрагани мутлақо ортиқча бўлиб қолур эди. Маълум бўляптики, Чўлпон кўлёманинг суратини асосий матн унсури, сўзма-сўз таржимани эса изоҳ сифатида берган. Шундай экан, бундан муайян бадий мақсад кўзланган бўлиши табиий. Кўлёмна суратининг асосий матн унсурига айланиши бадий мотивировкага, яъни тасвирланаётган воқеанинг ўқувчи наздидаги ҳақиқатга монандлик, “реалистиклик” даражасини орттиришга хизмат қилади.

Худди “Адонинг кўлёмаси” каби, 1936 йил нашрида Султонхоннинг Ҳакимжонга ёзган номаси ҳам расм шаклида берилган. Султонхон кўлига ариза деб тутқазган хатни очиб ўқиркан, Ҳакимжон “Худоё тўвба! Бу нима гап?” дея шошиб қолади. Мирзани беҳад шошириб, ҳаяжонга қўйган ўша ҳолат қайта нашрларда мана бу тарзда тавсифланади:

“Чироққа яқин олиб борди. Бир чой қоғознинг орқасига оддий қарандаш қалам\* билан:

Фатонатлик\* эй яхшилар сарвари,  
 Башармусен ё малоик, ё пари,  
 Жафо қилсанг, кўп ошиқнинг дафтари,  
 Не гуноҳим, менга танҳо айладинг, –  
 деб тўрт хат байт ёзилган. Тагига жуда саводсиз ва хунук хат билан қўйидаги сўзлар ортдирилган эди:

Дардингизда эзилиб адо бўлдим,  
 Кўришмак иложи бормикин?”

1936 йил нашрининг айна шу жойида Чўлпон матбаа имкониятларидан ифодавийликни кучайтириш учун ниҳоятда усталик билан фойдаланади, сўз билан айтган гапларини визуал жиҳатдан ҳам далиллаб қўйишга интиланган. Чунки унда “Бир чой қоғознинг орқасига оддий қарандаш қалам билан” дейилгандан сўнг араб ёзувидаги кўлёмна сурати қўйилган бўлиб, унда шеър яхшигина хуснихат билан битилган. Шу сурат остида, шеъринг парча кичик шрифтдаги лотин ёзувида такрорланган. Яъни, гарчи саҳифа остида бўлмаса-да, бундан изоҳ, демакки, асосий матндан ташқарида деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлади. Давомида, “Тагига жуда саводсиз ва хунук хат билан қўйидаги сўзлар ортдирилган эди” дейилгач, ҳақиқатан ҳам хунук ва саводсизларча хат билан араб ёзувида битилган кўшмисра сурати берилиб, унинг остида ҳам юқоридагича тарзда лотин ёзувида такрорланган. Яъни бу ўринда ҳам лотин ёзувидаги матн – изоҳ, у ёндош матнга тааллуқли. Қайта нашрларда шеъринг мисраларнинг фақат ҳозирги ёзувда берилгани, биринчидан, ёндош матн унсурининг асосий матн унсурига айланиб қолишига, иккинчидан, илк нашрда мавжуд визуал ифоданинг изсиз йўқолишига олиб келган. Ҳолбуки, матбаа имкониятлари ўтган давр мобайнида чандон ўсса-ўсганки, зинҳор пасайган эмас. Демак, бунда ҳам илк нашр билан қайта нашрлар орасидаги тафовут учун масъулият нашрга тайёрловчилар зиммасига тушади.

Хулоса шуки, адабий асар матни тушунчаси асосий матн билан бирга ёндош матн унсуриларини ҳам тўла қамраб олади. “Кеча ва кундуз” мисолида ёндош матн унсурилари, хусусан, сарлавҳа блоки, эпиграф, матбаа воситалари ҳам асарнинг қабул қилиниши ва тушунилишида ғоят муҳим аҳамият касб этишини яна бир қарра кўриш мумкин. Чўлпон романининг илк ва қайта нашрлари мисолида юритган фикрларимиз бадий асар матнидаги ҳар қандай унсур, хоҳ у асосий матнга ва хоҳ ёндош матнга тааллуқли бўлсин, бирдек аҳамиятли эканини яна бир қарра тасдиқлайди. Шундай экан, нафақат “Кеча ва кундуз” романи, балки умуман жаҳид адабиёти намуналарининг қайта нашрларида ёндош матн унсуриларини аслига (илк нашрга) адекват шаклда бериш



АДАБИЁТШУНОСЛИК

зарурдир. Бу эса адабий меросни қайта ёндош матн унсурларига ҳам муаллиф нашрга тайёрловчи мутахассислардан ҳам, ижодий иродасининг намоёни сифатида ношир ва матбаачилардан ҳам бадиий матн қарашни тақозо этади. ҳақидаги қарашларига таҳрирлар киритиш,

**Адабиётлар:**

1. Исломова. С. Чўлпон шеърларининг график шакллантирилишидаги тафовутлар // Ўзбекистонда илм-фан ва таълим. Республика илмий конференцияси материаллари. – Қўқон, 26 май 2020.
2. Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004.
3. “Совет адабиёти”. - 1935. - №3.; “Гулистон”.- 1935. -№4.
4. Қизил Ўзбекистон. – 1937 йил 6 август.
5. Каримов Н. Чўлпон. – Т., 1991.
6. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Т.: Ўздавнашр, 1936.
7. Шарқ юлдузи.- 1988.- №2.
8. Cho'ipon. Night and Day. Night. – Boston, 2019.
9. Қуроноф Д. Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Ўқитувчи, 1997.